

## ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШДА ХАЛҚАРО РЕЙТИНГЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10795325>

**Рахматуллаев Бунёд Дилшотович**

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги  
Инновацияларни жорий қилиш ва технологиялар трансфери миллий офиси  
Бош директор ўринбосари  
[b.rakhmatullaev@milliyofis.uz](mailto:b.rakhmatullaev@milliyofis.uz)

***Аннотация.** Ушбу мақолада янги Ўзбекистондаги олий таълим, фан ва инновациялар соҳасидаги ислохотлари ҳамда натижалари ўрганилган.*

***Калим сўзлар:** Глобал инновацион индекс, (ГИ), Иқтисодий сиёсат, Инновациялар, Бутунжаҳон университетлари рейтинг, (QS).*

***Abstract.** This article examines reforms and results in the field of higher education, science and innovation in the new Uzbekistan.*

***Keywords:** Global Innovation Index, (GI), Economic policy, Innovations, Ranking of world universities, (QS).*

***Аннотация.** В данной статье рассматриваются реформы и результаты в сфере высшего образования, науки и инноваций в новом Узбекистане.*

***Ключевые слова:** Глобальный инновационный индекс, Экономическая политика, Инновации, Рейтинг университетов мира.*

### КИРИШ

Бугунги кунда диёримизда иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш, бу борада мутасадди вазирлик ва идораларнинг фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, халқаро майдонда Ўзбекистон мавқеини янада юксалтириш, хорижий рейтинг агентликлари билан ҳамкорликни тизимли равишда амалга ошириш ҳамда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларни натижадорлигига эришиш мақсад этиб белгиланган.

Мазкур мақсадларга эришиш учун дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПФ–5687-сон Фармони билан “Устувор халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашни мувофиқлаштириш бўйича комиссия” кейин 2020 йил 2 июндаги ПФ–6003-сон Фармони билан “Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши” ташкил этилди. Юқорида кўрсатиб ўтилган фармонларда тасдиқланган энг устувор

йўналишлар рейтингдаги Глобал инновацион индекс (ГИ) ҳамда бутунжаҳон университетлари рейтинги (QS) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги асосий ижрочи этиб белгиланган.

Глобал инновацион индекс (ГИ) давлатлар иқтисодиётини ривожлантиришнинг амбицияларини реал баҳолаш воситаси бўлиб хизмат қилиб, инновацион ривожланиб келаётган давлатларда унинг пойдеворида диққат-эътибор талаб қиладиган инновацион камчиликлар ҳамда бу борадаги иқтисодиётнинг энг заиф томонларини кўрсатиб беришда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада давлатимиз раҳбари бошчилигида миллий иқтисодиётимизни жаҳон миқёсида рақобатдошлигини ошириш, давлат манфаатларидан келиб чиқиб, миллий имижини халқаро ҳамжамият олдида ошириш, мамлакатимизнинг ўзаро очиқ ташқи сиёсат юритиши, мамлакатимиз обрўсини мустаҳкамлашга хизмат қилиши борасида, барча соҳаларга амалга оширилган ислохотлар сингари инновация ва илм-фанни қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

## НАТИЖАЛАР

Глобал инновация индексининг 2023-йилги рейтингда Ўзбекистон 132 та давлат орасида 82-ўринни сақлаб қолди. Ўзбекистон инновациялар соҳасида миллий иқтисодий ривожланиш даражасига солиштирганда баланд кўрсаткичга эришган мамлакатлар қаторидан жой олди, яъни ялпи ички маҳсулотга нисбатан инновацияларнинг юқори самарадорлиги қайд этилди.

Индексда мамлакатлар 4 та даромад гуруҳига бўлинган (юқори даромад, юқори ўрта даромад, қуйи даромад ва паст даромад), Ўзбекистон ўз гуруҳида (қуйи ўрта даромад) 37 та давлат ичида 10-ўринни эгаллади. Ўзбекистон минтақалар бўйича инновацион иқтисодиётлар таснифида 10 та Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари орасида 4-ўринни эгаллади. Рейтингнинг 2023-йилги ҳисоботида Ўзбекистон Инновацияларни жорий этиш учун мавжуд ресурслар ва шароитлар (*innovation input*) субиндексида 72-ўринни, Инновацияларни жорий этишда эришилган амалий натижалар (*innovation output*) субиндексида ўтган йилга нисбатан 3 поғонага ўсиб, 88-ўринни эгаллади. Ўзбекистон шунингдек рейтингда Бошқарув институтлар сифати (+8), Инфратузилма (+1), Билим ва технология маҳсуллари (+2), Ижодий маҳсулотлар (+9) йўналишларида ўз ўрнини ўтган йилга нисбатан яхшилади. Индекснинг Ўзбекистон субиндекслар ва йўналишлар бўйича ўрнининг ўзгаришлари ҳақида таққослама жадвали 1-иловада келтириб ўтилган.

Мунтазам паст баҳоланган 19 та индикаторларнинг 2022-йилда 2021-йилга нисбатан 8 тасида ўрни яхшиланган, 10 тасида ўрни пасайган ва 1 та индикатор

ўрни ўзгаришсиз қолган. 2023-йилда ўтган йилга нисбатан 12 индикатор ўрни яхшиланган бўлса, 5 та индикаторлар ўрни пасайган ва 2 та индикатор ўрни ўзгаришсиз қолган.

Маълумоти мавжуд бўлмаган 10 та индикатор сўнги 3 йиллик рейтинг ҳисоботларининг барчасида акс этирилмаган. Хусусан, мазкур индикаторларни ўз маълумотлар базасида шакллантириш ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ВИПО)га етказишга масъул халқаро институтлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилмаган.

Маълумоти эскирган индикаторлар 2021-йилда 5 тани, 2022-йилда 7 та ва 2023-йилда 9 тани ташкил этди.

Бутунжаҳон университетлари рейтинги (QS) Замонавий глобаллашув даврида олий таълим муассасаларининг халқаро нуфузини ошириш, таълим бозорида рақобатбардошлик қобилиятини мустаҳкамлашда халқаро рейтинг баҳолаш тизими муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган Давлат дастурининг 47-мақсадида 2026 йилга қадар 10 та салоҳиятли олий таълим муассасасини **Quacquarelli Symonds – QS** ва **Times Higher Education – THE** халқаро рейтингларига киришга мақсадли тайёрлаш кўзда тутилган бўлиб, ўтган қисқа даврда мазкур йўналишда амалга оширилган ишлар натижасида бир қатор ютуқлар қўлга киритилди.

2023 йил 27 сентябрь куни Буюк Британиянинг нуфузли рейтинг ташкилоти – Times Higher Education агентлиги томонидан эълон қилинган «World University Rankings – 2024» рейтинги рўйхатида Республикамизнинг 48 та олий таълим муассасаси «Репортёр» мақомида қайд қилинди ва ўтган икки йилда «ТОП-1000» рейтингидан жой олиш учун даъвогар олий таълим муассасаларимиз сони 2021 йилда 10 та бўлган бўлса, 2022 йилда **28 тага** етди. Жорий йилнинг 5 декабрь куни “Quacquarelli Symonds” (QS) халқаро рейтинг ташкилоти томонидан “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш” йўналишида “**QS Sustainability Rankings – 2024**” рейтинги эълон қилинди.

Мазкур рейтингда “**ТИҚХММИ**” МТУ “Атроф муҳит муҳофазаси соҳасида таълим” (**110-ўрин**), ЎзМУ “Бошқарув модели” (**289-ўрин**), ТДТУ “Атроф муҳит муҳофазаси соҳасида барқарор ривожланиш” (**324-ўрин**) индикатори бўйича “ТОП-1000” олийгоҳлар рўйхатидан ўрин эгаллади. (Маълумот учун: Жорий йилда QS томонидан “QS Sustainability Rankings –

2024” reytingida 95 ta davlatdan 1 397 ta oliy taʼlim tashkilotlari faoliyati baholandi).

### МУНОЗАРА

Етакчи ривожланган давлатларнинг Глобал инновацион индексида ўз мавқеини ошириш учун амалга оширилаётган тизимли ишлари талайгина. Рейтингда юқори ўринда турувчи ҳамда тезликда ўз ўрнини яхшилаб бораётган давлатлар ва раҳбарларнинг глобал инновацион индекс ҳақида фикрлари.

Швейцария Глобал инновацион индекс 2023 йилда иқтисодий ривожланган 132 та Давлатлар орасида 1-ўринни эгаллаб турибти. Таъкидлаш жоизки, Швейцария кетма-кет 13 йил давомида энг иқтисодий баланд бўлган Давлатлар орасида 1-ўрин. Ундан кейинги ўринларда Швеция, АҚШ, Буюк Британия, Сингапур эгаллашган.

WIPO Бош директори, Дарен Танг Глобал инновацион индекс ҳақида шундай дейди: “Глобал инновацион индекс туфайли бутун дунё бўйлаб сиёсатчилар ўз халқининг инновацион салоҳиятини очиб бериш учун инновацион сиёсатни ишлаб чиқишда ишончли маълумотлар ва манбааларга эга бўлишмоқда”

Жорий йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган давлатларнинг Глобал Инновациялар индекси рейтингда куйидаги ўринларни эгаллашди. Бунда Россия Федератив Республикаси етакчилик қилмоқда.

Инновациялар иқтисодий тараққиётнинг асосий омили бўлиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган давлатларнинг бу йўналишда изчил қадамлар ташлай бошлади.

№	Давлатлар	2023 йилда ГИИ рейтингдаги ўрин
1	Россия Федератив Республикаси	51
2	Молдава Республикаси	60
3	Армения Республикаси	72
4	Беларусия Республикаси	80
5	Қозоғистон Республикаси	81
6	Ўзбекистон Республикаси	82
7	Озарбайжон Республикаси	89
8	Қирғизистон Республикаси	106
9	Тожикистон Республикаси	111

Ҳиндистон Бош вазири, Нарендра Модии шундай дейди: “Жорий йилда Ҳиндистон глобал инновациялар индексида **40-ўринга** кўтарилди. **2015** йилда **81-ўринни** эгаллаган эдик. Ҳиндистонда стартаплар сони икки баравар кўпайди ва биз ҳозир дунёда 3-ўринни эгаллаб турибмиз. Буларнинг барчаси Ҳиндистоннинг истеъдодли ёшлари билан боғлиқ” «Бангалор техникум саммити 2022»да Ҳиндистоннинг 2015 йилдан жорий йилга қадар амалга оширилган ишлари тўғрисида ҳамда Мамлакатда Глобал инновацион индексда ўз ўрнини яхшилаш ва ушбу йўлда амалга ошириши кўзда тутилган вазифалар билан бўлишти.

Саноат ва технология вазири, Мустафо Варанк: “Туркия ўз тарихидаги энг юқори даражада. Охириги икки йил ичида биз **14** поғонага кўтарилиб, **132** давлат орасида **37-ўринни** эгалладик. **20** йил давомида биз қурган тадқиқот, ишланмалар ва инновациялар, экотизимимиз янги муваффақият ҳикояларини ёзишда давом этади”.

Саудия Арабистони Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (WIPO) томонидан эълон қилинган 2022 йилги Глобал инновациялар индексида 15 поғонага кўтарилди.

Бу валиаҳд шаҳзода ва Бош вазир Муҳаммад бин Салмон, шунингдек, тадқиқот, ишланмалар ва инновациялар бўйича олий кўмита раиси, тадқиқот, ишланмалар ва инновациялар (РДИ) бўйича миллий интилишлар ва устуворликларни эълон қилганидан бир йил ўтмай содир бўлди. **Форбес** журнали маълумотларига кўра, Саудия Арабистони дунёдаги энг тез ўзгариб бораётган мамлакатлардан бири ҳисобланади, бу унинг сўнгги ўн йил ичида мамлакат инновацион тизимини ривожлантиришга ҳисса қўшган янги тармоқларга кириш орқали ўз иқтисодиётини диверсификация қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлари натижасидир. Қиролликнинг **2022** йилда Глобал Инновациялар индексида эришган бу сакраши тадқиқот, ишланмалар ва инновациялар соҳасида амалга оширилаётган ривожланиш кўламини тасдиқлайди.

### **Мамлакатимизнинг ГИИ рейтингда асосий муаммолар**

Аввало, давлатимизда ГИИ кўрсаткичлари доирасида халқаро ташкилотлар учун тақдим этилиши лозим бўлган статистик маълумотларни ҳисоблашда ривожланган давлатларда бўлганидек суний интеллект ва замонавий технологиялардан фойдаланилмайди. Шу боис, ГИИ рейтингдаги кўрсаткичларни такрорланиш ҳолатлари, бошқа рейтинг ва индекслар билан кўрсаткичлар кесишмаларига аниқлик киритиш, кўрсаткичларни индекслардан алоҳида таҳлил қилиш муаммолари келиб чиқиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Шунингдек халқаро рейтинглар билан ишлашда малакали кадрларни етишмаслиги, халқаро рейтингларни барча методологияси ва бошқа зарур мезонлари бўйича кўрсаткичларини ўрганиб чиқиб норматив-хужжатларимиз ҳамда қонунчилигимизга татбиқ этиш борасида ишлар назардан четда қолаётгани сингари бугунги кундаги энг муҳим муаммоларни кўрсатишимиз мумкин.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

ГИИ рейтингида Ўзбекистоннинг кўрсаткичларини яхшилаш учун қуйидаги таклифларни келтириш мумкин. Биринчидан, Давлатимизда халқаро ташкилотлар учун тақдим этилиши лозим бўлган статистик маълумотларни тақдим этиш мезони бўлмагани учун ГИИ томонидан эътиборга олинмаслигига сабаб бўлмоқда, Шунинг учун тегишли ташкилотлар томонидан соҳасига доир ҳар бир индикатор бўйича статистик маълумотларни тўплаш ва тақдим этиш жараёнида вужудга келадиган муаммоларни аниқлаш ва уларни ечиш тегишли маълумотларни йиғиш ва индекс тузувчиларига тақдим этиш чорасини кўриш таклиф этилади.

Иккинчидан, халқаро рейтинглар билан ишлаш вазирлик идоралар ўртасида малакали кадрларларни танлаш, тажрибасини ошириш учун улар иштирокида семинар-тренинглар ўтказиш, рейтингда юқори ўринга эга хорижий давлатларга уларни тажрибасини ўрганиш учун юбориш, халқаро экспертлари жалб қилган ҳолда тадбирлар ташкил этиб, кадрларни салохияти ва малакасини ошириш таклиф этилади.

Учунчидан, масъул халқаро ташкилотлар билан биргаликда, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги асосий ижрочи этиб белгиланган энг устивор йўналишлар рейтингидаги (ГИИ) ҳамда (QS) статистик маълумотларини масъул халқаро ташкилотлар билан мувофиқлаштириш, уларнинг методологиясини такомиллаштириш ҳамда Статистика агентлиги билан ҳамкорликда (ГИИ) ва (QS) суб-индекс маълумотларини тизимли йиғиш ва уларни <https://stat.uz/uz/> платформасига интеграция қилиш таклиф этилади.

Хулоса қилиб айтганда юқорида санаб ўтилган таклифлар доирасида ишларни амалга ошириш мамлакатимизнинг ГИИ рейтингида илғор давлатлар қаторидан жой олишига хизмат қилади ҳамда амалга ошираётган ишларимиз, ислохотларимиз, сай-ҳаракатларимиз натижасида ГИИнинг поғоналарида мамлакатимизни инновацион имижини оширишда ҳамда ўз олдимизга қўйган 2030 йилга келиб ГИИ рейтингида жаҳоннинг 50 та илғор мамлакат қаторига киришига замин яратишига ишонамиз.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. <https://mininnovation.uz/oz/news/post-865>
2. <https://yuz.uz/news/ozbekiston-global-innovatsion-indeks-reytingida-7-pogona-kotarildi>
3. <https://www.hindustantimes.com/india-news/india-jumped-to-40th-rank-in-global-innovation-index-pm-modi-at-tech-summit-101668596110675.html>
4. <https://contxto.com/brazil/brazil-leads-latin-america-in-the-2023-global-innovation-index/>
5. <https://saudigazette.com.sa/article/630701>
6. <https://www.tim.org.tr/en/news-turkiyes-historical-record-in-the-global-innovation-index>

1-илова

## Индекснинг Ўзбекистоннинг субиндекслар ва йўналишлар бўйича ўрнининг ўзгаришлари динамикаси ҳақида таққослама жадвал

№	Йўналишлар	2022 й. балл	2022 й. ўрин	2023 й. балл	2023 й. ўрин	Баллдаги ўзгариш	Ўриндаги ўзгариш
<b>Инновацияларни жорий этиш учун мавжуд ресурслар ва шароитлар субиндекси (Инноватион инпут)</b>			68		72		▼4
1.	Бошқарув институтлари сифати	57,3	63	54,7	55	▼2,6	▲8
2.	Инсон капитали ва илмий тадқиқотлар	30,8	65	25,2	89	▼5,6	▼14
3.	Инфратузилма	41,7	74	37,9	73	▼3,8	▲1
4.	Бозор ривожланиши	33,9	60	33,9	69	0	▼9
5.	Бизнесни ривожлантириш	25,3	74	25,5	78	▼0,2	▼4
<b>Инновацияларни жорий этишда эришилган амалий натижалар субиндекси (Инноватион оутпут)</b>			91		88		▲3
6.	Билим ва технология маҳсуллари	17,9	80	19,3	78	▲1,4	▲2
7.	Ижодий маҳсулотлар	7,7	102	14,6	93	▲6,9	▲9